



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 10 август, чоршанба

№ 64 (11.763)

Эркин нарҳда сотилади

## ЖАҲОН БОЗОРИГА ДАДИЛ ОДИМЛАР

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ

Мустақил мамлакатимиз ўзининг жаҳон миқёсидаги маъқани йил сайин мустақамлаб бормоқда. Бир вақтлар фақат хом ашё етказиб берган Ўзбекистон бугун халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини барқарор ва изчил тараққий эттириш орқали хорижий мамлакатлар билан алоқаларни, айниқса, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Унинг экспорт салоҳияти ҳам ортиб бормоқда. «Биз энг муҳим бир факрни чуқур аниқлаш зарур, — деди республика-миз Президентини ўз нутқларидан бирида. — Фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумларини келтиради, фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин».

Шунинг учун халқ ҳўжалиги бача тармоқларининг махсулотни экспорт қилишда қатнашишига ва бу тасмийнинг йил сайин кенгайиб ҳамда чуқурлашиб беришига эришиш давримизнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда бу соҳадаги ишлар кўламини кенгайтириш, жаҳон бозорига рақобатбардор махсулотлар ва хизмат турини ўзлаштириш, уларнинг сифатини яхшилаб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тинимсиз давом этмоқда.

Республика миқёсида олиб берилаётган бу ишларда вилотимизда санаотчилари ҳам фаол қатнашиб, ўзларининг махсулот экспорт қилиш ҳажминини кўпайтиришга, бунга эришиш учун санаот корхоналарида, тадбиркорлик тузилмаларида замонавий, илгор технология жараёнларини, фан ва

техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган машина-механизмлар, асбоб-ускуналарни жорий қилиш, шу мақсадларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, улардан аниқ мақсад йўлида самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият билан қарамолдар.

Шу тўғрйли эндиликда вилотимизда йирик экспортчи сифатида тобора ишончли одим ташламоқда. Бу ердаги санаот корхоналари, хориж инвестицияси бўлган қўшма корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари ўзлари ишлаб чиқариётган махсулотларнинг ички бозордагина эмас, шу билан бирга жаҳон бозорига мустақам ўрин олишига эришмоқдалар. Кўп жиҳатдан ана шу муҳим омил умуман халқ ҳўжалиги учун сув ва ҳаводек зарур бўлган тақими иқтисодий алоқаларнинг юксалишида катта роль ўйна-

моқда. Бундай халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилган хорижий давлатлар кўпайиб бормоқда. Хозирги вақтга келиб 69 та мамлакат билан савдо-сотик ишлари олиб боришмоқда. Уларнинг кўпи — 58 таси узок, 11 таси ақин хориж давлатларидир. Булар орасида АКШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Япония, Хитой каби мамлакатлар бор.

Шу йилнинг ўтган биринчи ярми давомида ташқи савдо айланмаси 574 миллион 600 минг долларга етди. Экспорт ҳажми эса импорт миқдоридан анча кўп бўлди. Шу даврда чет эл мамлакатларига 331 миллион 400 минг долларлик махсулот етказиб берилди ва хизмат кўрсатилди. Импорт ҳажми эса 243 миллион 200 минг долларни ташкил этди. Энг муҳими, ташқи савдо-сотик алоқаларида ижобий салдо барқарорлашиб, ўтган олти ойда 88 миллион 100 минг сўмни ташкил этди.

Ташқи савдо айланмаси ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 30,5 фоизга ортиди. Шу жумладан экспорт ҳажми 18,2 фоиз, импорт эса 52,0 фоизга ўсиб, импорт таркибида сезиларли ўзгариш бўлди. Бунда энг юқори салмок замонавий машина ва ускуналарга, кимё, қора ва рангли металлларга, озик-ов-

қат махсулотларига тўғри келди.

Шуниси таҳсинга сазоворки, Олмалик, Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўстонлик, Занғота, Куйичирчиқ, Қибрай, Паркент, Пскент, Юқоричирчиқ, Тошкент ва Янгийўл туманлари ярим йилда ташқи савдо айланмаси ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кенгайтиришга эришди. Ўтган январь-июнь ойлариде экспорт таркибидаги энг юқори кўрсаткичи қора ва рангли металл махсулотлари ташкил этди. Унда халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларининг муносиб улушлари бор. Айниқса, пахта таси ҳамон салмок ўрин тутмоқда. Ўтган ярим йилда унинг экспорт таркибидаги улуши 11,5 фоиз атрофида бўлди. Кейинги ўринини кимё махсулотлари эгаллади. Уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши 6,1 фоизга етди. Бундан ташқари, катта миқдорда озик-овқат, машина-механизмлар ва асбоб-ускуналар, энергия ресурслари ҳам чет эллик бурютмачиларга етказиб берилмоқда.

Ўтган олти ой давомида вилотимиздаги қатор йирик санаот корхоналари жамоалари ўзлари ишлаб чиқарётган махсулотларни чет элларга етказиб беришни кўпайтириб, ярим йиллик топшириқни ортиги билан бажарилишига муносиб хисса қўшдилар. Айниқса, Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқдаги «Ўзбекистон қаттиқ қотимчалар ва ўтга чиқариш металлургия» очик акциядорлик жамиятлари, Ангрендаги «Санаотқилинқоғозсавдо» корхонаси, «Электр-кимёсанаоти» акциядорлик жамияти, шунингдек, «Газалкент тошни майдалаш» акциядорлик жамияти, Паркентдаги «Бер Ад» фирмаси шулар жумласига қиради.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатларда чет эллик сармоядорлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш устивор йўналишлардан бири бўлмоқда. Ўтган ярим йил мубойида тўққизта хорижий инвестицияли корхона рўйқатга олинди. Улар асосан истеъмол бозори учун зарур бўлган турли-туман озик-овқат ва ноозик-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Чўночи, Оҳангарон туманида Туркия билан ҳамкорликда гўшт-сут махсулотлари тайёрловчи

чет элларга етказиб беришни кўпайтириб, ярим йиллик топшириқни ортиги билан бажарилишига муносиб хисса қўшдилар. Айниқса, Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқдаги «Ўзбекистон қаттиқ қотимчалар ва ўтга чиқариш металлургия» очик акциядорлик жамиятлари, Ангрендаги «Санаотқилинқоғозсавдо» корхонаси, «Электр-кимёсанаоти» акциядорлик жамияти, шунингдек, «Газалкент тошни майдалаш» акциядорлик жамияти, Паркентдаги «Бер Ад» фирмаси шулар жумласига қиради.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатларда чет эллик сармоядорлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш устивор йўналишлардан бири бўлмоқда. Ўтган ярим йил мубойида тўққизта хорижий инвестицияли корхона рўйқатга олинди. Улар асосан истеъмол бозори учун зарур бўлган турли-туман озик-овқат ва ноозик-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Чўночи, Оҳангарон туманида Туркия билан ҳамкорликда гўшт-сут махсулотлари тайёрловчи

чет элларга етказиб беришни кўпайтириб, ярим йиллик топшириқни ортиги билан бажарилишига муносиб хисса қўшдилар. Айниқса, Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқдаги «Ўзбекистон қаттиқ қотимчалар ва ўтга чиқариш металлургия» очик акциядорлик жамиятлари, Ангрендаги «Санаотқилинқоғозсавдо» корхонаси, «Электр-кимёсанаоти» акциядорлик жамияти, шунингдек, «Газалкент тошни майдалаш» акциядорлик жамияти, Паркентдаги «Бер Ад» фирмаси шулар жумласига қиради.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, аввало, асосий ҳуқуқини таъминлаш бўлиб қилинади. Қассация инстанцияси ислоҳ қилинди: фуқаролар қонундан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини маъмур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоққа сақлаш муддатлари бир йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди. Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошиши, суд процесси иштирок-

чилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайтирилиши таъминланди. Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш доирасида фуқароларнинг қамоққа олиш тарихидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроқда қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказиш ҳисобланади. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўлишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги

чилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайтирилиши таъминланди. Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш доирасида фуқароларнинг қамоққа олиш тарихидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроқда қисқарди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

### Истиқлол берган имконият

## «ЧИНОЗЙЎЛИНДУСТРИЯ» — ИШОНЧЛИ КОРХОНА

«Чинозйўлиндустрия» ишлаб чиқариш корхонаси 2005 йилнинг биринчи ярмида барча тармоқлар бўйича туманда энг юқори кўрсаткичга эришди. Ана шу хабар бизни корхонага етаклади. Бош директор Дониёр Болусов билан корхонадаги бугунги ишлар, унинг кечаги кунини ва келажаги ҳақида суҳбатлашдик.

Гап 2004-йил якунларига келганда, бош директор режалаштириш-иқтисод бўлимининг бошлиғи Вера Белоедовани ҳам суҳбатга жалб этди. Тўғриси, биз даста-даста қозғоқ жилдлар кўтарган иқтисодчинини кутган эдик. Хонага эса қўлида бир варақ қозғоқ тугган аёл хотиржам кириб келди. У салкам қирқ йилдан буён шу корхонада меҳнат қилар экан.

— Келинг, мен сизга 2004-2005 йилларнинг олти ойлик кўрсаткичларини солиштириб



Берай, — деди иқтисодчи. — Қаранг, ўтган йилнинг олти ойида корхонамизда 214 миллион 204 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган. 2005 йилнинг олти ойида эса бу кўрсаткич 1 миллиард 31 миллион сўмдан ошди. Ишлаб чиқариш меҳнат умумдорлиги 481 фоизга ўсган.

Вера Белоедова бизга тушунарли бўлиши учун яна қуйидаги рақамларни келтирди: — Корхонамизнинг истиқболли тармоқларидан бири қурилиш моллари, яъни кумшагал, темир-бетон махсулотлари, пойдевор блоклари тайёрлашдир. Ўтган йилнинг олти ойида 133 минг сўмлик мах-

сулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 5 миллион 78 минг сўмликка етди. Аслида, Чинознинг бу нуфузли корхонаси кейинги тўрт-беш йил давомида ўзининг аввалги макенини йўқотган эди. Бошқарувдаги камчиликлар тўғрйли унинг қўллаб-қувватлари тўхтаб қолди. Ўтган йил якуни бўйича электр энергиядан 45 миллион, солиқлардан 100 миллион сўм қарзга ботди. Ишчиларнинг тенг ярямига пул тўланмайдиган таътил бериб юборилди. Қолган ишчиларга охириги уч ой давомида тўланиши лозим бўлган маош ҳам корхона қарзлари рўйқатига йилди.

Ишчи одамларда эртанги кунга ишонч уйғотишдан бошладик, — дейди Дониёр Болусов. — Мен кўп қурилишларда ишлаб шунга амин бўлдимки, ишда одамлар қайфияти гоаят муҳим омил. Ишонч бўлмаса, самара бўлмайди. Биз йўл қурилишларида ойлаб уйдан узокда, оғир шароитларда меҳнат қилаётган ишчилар билан бирга бўлдик.

Раҳбар бироз ўйлаб яна давом этди: — «Чинозйўлиндустрия» учта заводдан ташкил топган. Кумшагал заводи 1965 йилда ишга тушган. Чинозда 280 гектарлик худудда табиатнинг бебаҳо қурилиш махсулотлари хазинаси мавжуд. Бу иши-

мининг асоси. Ана шундай имкониятлар бўла туриб, корхонада иш юритиш оламаслик мумкин эмас. Республика «Узавтойўл» давлат акциядорлик компанияси кўмаги билан асфальт-бетон заводимизга Германиядан келтирилган «Аман-глобал» мосламасини ўрнатдик. Бу уқунда соатига 160 тонна асфальт чиқариб бериш қувватига эга.

Сифатли махсулотларга зудлик билан харидорлар топилиб, шартномалар тузилди. «Чинозйўлиндустрия»нинг ҳисоб рақамига миллион сўмлаб маблағлар туша бошлади. Қарзлар тўланди. 380 киши иш билан таъминланди. Кумшагал заводи уч сменада ишла бошлади. 2004 йилнинг декабрь ойида «Чинозйўлиндустрия»да ўртача ойлик иш ҳақи 30 минг сўмни ташкил этган бўлса, бугун 115 минг сўмга етди.

Корхона бугун кунига 1,5 минг тонна асфальт, 100 куб метрга яқин темир-бетон махсулотлари, минг куб метр кумшагал ишлаб чиқармоқда. Ишчилар махсус кийим-бошлар билан таъминланган. Зарур ҳолатларда 137 одамга бепул сут берилади. Ишчилар ошонаси мунтазам ишлаб турибди. Корхона жамоат ишларида фаол қатнашиб, хомийлик ҳам кўрсата бошлади.

**Озод МАЪМУРОВ.**  
**СУРАТЛАРДА:** корхона кумшагал цехи электр пайвандчиси (чапдан) Юрий Зеленов ва шағал майдалаш ускунаси машинисти Соли Норқўзиёв; корхона ҳавтидан наҳаллар.  
**Турсунўлат РАҲИМОВ** олган суратлар.

### Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой

## БАРАКА КИРАДИГАН ПАЛЛА

«... Дарҳақиқат, фермер чинакам мулк эгасига айланди. Ҳуқуқатимиз томонидан қатор имтиёзлар яратиб берилди. Ўз навбатида мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Етиштирилаётган пахта, галла ва бошқа экинлар ҳосили салмоғида фермерлар улуши тобора ортиб бораётир...»

Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмасининг мамлакатимизнинг барча фермерларига мурожаатномасида айтилган ушбу сўзларни ўқир экан, ўртачирчиқлик фермер Файрат Маматов шундай деди: — Мана шу сўзларнинг ўзи ҳақиқий ер шайдоси, тупроқ

исидан сархуш бўлувчи асл деҳқонга кўтаринки руҳ бағишлаб, уни янада иштиёк ва шижоат билан меҳнат қилишга ундайди. Ҳақиқатан ҳам бугун юртимизда кишлоқ ҳўжалик соҳасини ривожлантириш, фермерларга кенг йўл очиб бериш мақсадида амалга

оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ҳам ҳуқуқий, ҳам молиявий имконият ва имтиёзлар ҳар бир деҳқон ва фермернинг эмин-эркин меҳнат қилиши учун замин яратмоқда. Айтиш кунда пахтакорлар олдида яна бир муҳим вазифа турибди. У ҳам бўлса август ойида ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, ҳосилга ҳосил қўлишидир. Ўртачирчиқлик фермерлар билан суҳбатимиз август



(Давоми 3-бетда).

### Изчил ислоҳотлар йўлида

## ЯНГИ РЕЖАЛАР ТУЗАЯПМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларининг эълон қилиниши аини мудида бўлди.

Энди тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама ҳуқуқий муҳофазаланди, қолаверса, унинг тўлақонли ривожланишига муҳим пойдевор қўйилди. Бу муҳим ҳўжжатларнинг қабул қилиниши билан кичик, хусусий корхоналар фаолиятига нисбатан баъзи чеклашлар, турли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар йўлига қўядиган тўсиқ ва говлар олиб ташланди.

Айниқса, «Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳўжжатлари-га мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинишининг кўзда тутилиши қувончлидир. Шубҳасиз, бундай имтиёзлар тадбиркор аёлларимизнинг ҳам ташаббускорлигини оширади.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги сўнги қатор фармонлар биз — тадбиркорлар томонидан изчил ўрганилди. Яқинда вилот «Тадбиркор аёл» уюшмасининг бир гуруҳ мутахассислари шахримизга ташриф буюришди. Мутасаддилар тадбиркор аёллар билан мулоқот ўтказиш, уларни қизқирган масалалар, муаммолар ҳусусида давра суҳбати ўтказишди. Ишбилармон аёллар маъмур ҳўжжатлар борасида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Уюшма тадбиркор аёлларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида сезиларли ишларни амалга ошираётир. Хусусан, биргина август ойида шахримиздаги ишчи аёлларнинг 15 нафари уюшма қошидаги ўқув курсига жалб этилиди ва улар тикувчилик соҳаси бўйича касба йўналтирилдилар. Булардан ташқари, жадвал асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш

юзасидан семинарлар ташкил этганмиз. Уюшма қошидаги ўқув марказида ёшидан ва мактебдан қатъи назар, барча аёллар ўқиб, малака оширишлари мумкин. Айрим моддий шароити оғир аёлларга эса, имтиёз берилади. Ишсиз аёлларни уюшмага жалб этиш мақсадида эса шахар маҳаллалари билан мунтазам алоқа ўрнатганмиз.

Тадбиркор аёлларимиз Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрликларидан руҳланиб, ўз олдиларига янги вазифалар қўймоқдалар. Уларнинг кўплари фаолиятларини кенгайтиришмоқчи. Мен ўзим тўқув цехи очиб ниятдаман. Бу цехда ишчи кийимлари учун зарур бўладиган материаллар тайёрланади. «Ўткир» фирмаси раҳбари Муъсар Холматова трикотаж буюмлари, «Чинор» хусусий корхонаси раҳбари Мухтарам Исмоилова қир ювиш цехларини, Оля Санжаренко эса, кичик босмахона очини режалаштириб қўйишди. Хозир бунга тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

**Дилдора БАРАТОВА,**  
**Бекобод шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси.**

Юқоричирчиқ туманидаги «Бунёдкор» маҳалласида «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан ҳамда оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида «Соғлом авлод, соғлом келажак» тадбири бўлиб ўтди.

## СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Уни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Саломатлик маркази» туман бўлимидаги ҳамкорликда ташкил этди. Тадбирда асосан тиббий кўриқдан ўтиш учун ёш келинлар, хомилдор аёллар, вояга етмаган ўсмирлар ва қариёлар иштирок эттишди. Шунингдек, вилот «Амбуланс» шифокорлари — гинеколог ҳамда терапевт аёлларда учрайдиган касалликлар, уларнинг олдини олиш тўғрисида тушутириш ва маслаҳатлар беришди, дори-дармонлар бепул ажратилди. Педагог кўрик учун келган барча болаларни текшириб, касаллик аломатлари аниқланган болаларнинг оналарига шифохоналарда даволаниш учун йўланмалар берди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**



Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой

# БАРАКА КИРАДИГАН ПАЛЛА

ойда пахта майдонларида амалга оширилган ишлар ва унинг самаралари ҳақида бўлди. Улар қуйидагиларни сўзлаб беришди.

— Бу йил 69 гектар майдонга пахта эканмиз, — дейди «Усмон ота» фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Усмонов. — Ҳозир гўза ривож тобора бормоқда. Хар тупида 5-6 тадан кўсақ бор. Бу ойда бериладиган ишловлар шу жараёнларни тезлаштириш ва кўсақларни кўпайтириш ҳамда бўлик, гоэли бўлиб етилишига хизмат қилиши лозим. Бунинг учун аввало хар туп гўза ва ундаги кўсақларнинг тез ривожланишига имкон яратиш лозим. Бунда, биринчи навбатда гўзани вақтида чилпиш лозим. Шунда кўсақлар тез катталлашиб, тирки бўлади. Кейингиси эса культивация. Август ойида пахта майдонлари асосан икки марта сугорилади. Хар бир сувдан кейин эгат ораларини юмшатиб чиқиш керак. Агар шу иш қилинмаса, гўза атрофидаги тупроқ ёрилиб, ҳосилга асосий озукани етказиб беришчи томирлар узлиб кетади. Натигада экин ривождан қолади, ҳосилдан барака учеди.

Бу тадбирларни амалга ошириш учун техникаларимиз ва имкони...

(Давоми. Боши 1-бетда).

ятларимиз етарли бўлганлиги боис уларни вақтида бажараямиз.

— Бундан ташқари сугориш, вақтида озиклантириш масаласига алоҳида эътибор бериш керак, — дейди «Оппоқ» фермер хўжалиги раҳбари Аббос Шаропов. — Айни кунда 75 гектар пахта майдонимизнинг 75 гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқардик. Натигада экин эмас. Дастлабки чилпишдан сўнг гўзадаги ён шохларда қўшимча ҳосил гуллари пайдо бўлмоқда. Ишни шу тарзда олиб борсак, хар туп 12-15 тадан кўсақ туғишига ва гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олишга эришамиз.

Шартнома режаси бўйича бу йил давлатга 199 тонна пахта сотамиз. Агар белгиланган тадбирларимизни тўла амалга оширсак ва кўзлаган натижага эришолсак режадан ташқари яна анча ҳосил олиш имкони пайдо бўлади.

— Май ойининг салқин келиши ва айни август ойида ҳаво ҳароратининг бироз пасайгани зараркунида ҳашаротларнинг ривожланиб, кўпайишига шароит яратилади, — дейди «Кучликагросервис» фермер хўжалиги раҳбари Акбар Темиров. — Бундай пайтда биологаториялардан самарали фойдаланиш керак. Зараркунадаларга қарши турли кимёвий воситалардан кўра


махсус тайёрланган фойдали ҳашаротлар анчайин яхши самара беради. Бунда катта сарф-ҳаражат ва ҳаракат ҳам талаб этилмайди. Масалан, «Трихограмма» ҳашароти кўсақ курти тухумларини еса, «Хабробракон» кўсақ куртини чақиб, нобуд қилади. Чунки, бу фойдали ҳашаротларнинг озукаси ана шу зараркунадалар ҳисобланади.

— Деҳқонларга ортиқча ўргатишнинг ҳолати йўқ, — дейди туман фермерлар уюшмаси раиси Гулом Маъмонов. — Улар учун имконият яратилса бас. Аммо, беш бармоқ ярабди эмас, деганларидек, ўз ишига совуқтон бўлганларни қатъий назорат остига олиш лозим бўлади.

Ушбу мавсумда бевосита пахтачилик билан шуғулланадиган 283 нафар фермерларимиз давлатга 12 минг 992 тонна «оқ олтин» етказиб беришлари керак. Бунинг учун эса имконият етарли.

Сирасини айтганда, қолган гап деҳқонларимизнинг ўзларида. Айни кундаги ганимат дамлардан унумли фойдаланиб, агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, эл-юрт ҳақида юзлари ёруғ, хирмонлари ва даромадлари баракали бўлади.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



Пскентлик фермер Туроб Иномов хар йилгидек бу мавсумда ҳам пахтадан мўл ҳосил олиш ниятида. Бугунги кунда гўзанин эркин ривожланиши учун зарур бўлган барча шароитларни яратмоқда. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг мамакатимиз фермерларига муносабатиде айтилганидек, август ойидаги ганимат дамлардан фойдаланиб, пахтага зарур ишловларни бермоқда, вақтида озиклантирмоқда. Натигада экин эмас. Айни кунда фермернинг пахта майдонидеги хар туп гўзада 10-12 тадан кўсақ бор.

СУРАТДА: фермер Туроб Иномов.  
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

# ДИЛДАН СУҲБАТ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилашда аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда мамлакат ҳаётида кечадиган янгиламаниларга нисбатан маъсуллик ҳиссини тарбиялашнинг аҳамияти катта.

Бунинг учун кенг қўламадаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, одамлар рухий-маънавий озик берадиган тадбирлар қўламини кенгайтириш зарур. Бу борада жамоат ташкилотлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари олдида жуда катта вазифалар қўйилган.

«Маънавият ва маърифат» маркази Пскент туман бўлими бу борада ташаббускорлик кўрсатмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар жараёни ва ундан кўзланган мақсад ва вазифалар, суд-хуқуқ соҳасини ва жиноятлар учун жазони эркинлаштириш, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни қандай амалга ошириш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Қуни кеча Кориз ва Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган тадбирлар юқорида баён этилган масалаларга бағишланди. «Омон бўл Она-юрт, буюк истиқлол» мавзусида ўтказилган тадбир турли авлод намоёндаларининг байрамолди учрашувига айланиб кетди.

Тадбирда суд-хуқуқ идоралари, тиббиёт ходимлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этишди. Қишлоқ аҳолиси билан дилдан суҳбат чоғида уларни қизиқтирган кўплаб саволлар оидинлаштириб олинди.

Иштирокчиларга қишлоқнинг ҳаваскор хонандалари ихросидеги концерт дастури намойиш этилди.

Башарат САТТОВА,  
«Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари.

# Olamdagar? nimagar?

## ЭКИПАЖ НОУМИД БЎЛМАГАН

РОССИЯНИНГ АС-28 БАТИСКАФИ БОРТИДА РАҲБАРЛИК ВАЗИФАСИНИ БАЖАРГАН ОФИЦЕР ДЕНГИЗЧИЛАР УМИДСИЗЛИККА ТУШГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДАГИ МИШ-МИШНИ РАД ЭТДИ. Айниқса, сув остида денгизчилар ўз қариндошлари ва яқинларига видеолашув мактублари битганликлари ҳақидаги маълумотни инкор қилди. Шунга қарамай, баъзи ахборот воситалари сув қаъридаги ишқалининг учинчи кун экипажнинг бир неча аъзоси ҳалот этилишларидан умид узиб, қозоғга хайрлашув сатрларини ёзганлиги ҳақида хабар бермоқда.

## ҚИММАТРОҚҚА СОТМОҚЧИ

УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ЮЛИЯ ТИМОШЕНКО МАМЛАКАТ ХУДУДИДАГИ ИШЛОБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИ АКЦИЯЛАРИНИ ХОРИЖЛИК ИНВЕСТИТОРЛАГА ИМҚОН ҚАДАР ҚИММАТРОҚҚА ПУЛЛАШ НИЯТИДА. Хусусан, Никополь ферроқотишмалар заводига тегишли ана шундай қимматбахо қозғоларнинг эллик физио битта қўшимчаси нархини бош вазир беш юз миллион долларга сотишни режалаштирапти. Ваҳо-ланки, бозор мутахассислари Тимошенко мазкур завод баҳосини ҳаддан зиёд ошириб юборяпти, деб ҳисобламоқдалар.

## НОРОЗИЛИК АЛОМАТИ СИФАТИДА

ҚИЗИЛ ХОЧ Халқаро қўмитаси душанба кунини Ҳазо хукудидеги ўз фаолиятини тўхтатганини маълум қилди. Бундай қарорга келинишининг боиси Фаластин мухторияти махсус хизмати халқаро ташкилотлар ходимлари ҳавфсизлигини таъминлаб бера олмаётганига қарши норозилик аломатидир, дея изоҳ берилмоқда бу ҳолатта. Қўмита Ҳазодаги вазият яхшилангач, ўз ишини қайта бошлайди.

## ФОЖИА ҲАМОН УНУТИЛМАГАН

ЯПОНИЯНИНГ НАГАСАКИ ШАҲРИДА МАЗКУР ХУДУДГА АТОМ БОМБАСИ ТАШЛАНГАНИ 60 ЙИЛ Тўлими муносабати билан мотам тадбирлари бўлиб ўтди. 1945 йил 9 августда Американинг қуввати 20 килотоннадан ошди «Бакало» деб номланган плутоний бомбаси портлаши натижасида даярли 74 минг одам ҳалок бўлган, яна 70 минг киши эса олинган жароҳатлар ва нур хасталиги туфайли оламдан кўз юмганди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ТУҲФА

ПОЛЬША БОШ ВАЗИРИ МАРЕК БЕЛЬКА БЕЛОРУС ТИЛИДА ЭШТИРИШЛАР ОЛИБ БОРАДИГАН МУСТАҚИЛ РАДИОСТАНЦИЯ ЯРАТИЛИШ УЧУН 950 МИНГ ЗЛОТИХ (ТАХМИНАН 290 МИНГ ДОЛЛАР) ПУЛ АЖРАТДИ. Мазкур маблағ ушбу радиостанция яратилиши билан шуғулланётган поляк ноҳукумат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётгани маълум қилинган.

# РАВОН, ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ

Юртимизда катта тўйлар ва муҳим саналар арафасида янги иншоотлар, турар-жой объектлари, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш мажмуалари, йўл ва кўприклар, гузор ва хиёбонлар бунёд этилиб, фойдаланишга топшириш қутлуғ аниёнага айланган.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида кунчи кеча қурилиши тугалланган Тошкент автомобиль халқа йўлининг 61-километри транспорт ечимидеги йўл ўтказгич — кўприк ҳам ана шундай иншоотлар сирасидан. «Узавтойл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Йўллойҳаборо» давлат унитар корхонаси ҳамда «ТошкентбўшланЛИТИ» институтини ходимлари томонидан лойиҳалаштирилган ушбу объект қисқа муддат — 4 ойда бунёд этилди.

Узулиги 50 метр, эни 37 метр ҳамда баландлиги 5,5 метрли ташкил этадиган мазкур иншоотни бунёд этишда пудратчи — Кўприк қурилиш трестининг 13-кўприк куриш отряди курувчилари, «Андижонкўприк» ҳамда «Осиёкўприк» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа меҳнат жамоалари ишчилари фидокорона меҳнат қилдилар. Иншоотнинг элизилабардошлигини таъминлаш мақсадида унга 32 та улкан оралик қурилма — йиғирма түрт метрлик темир-бетон түсминлар қўйилди.

— Янги кўприкдан саккиз қатор транспорт бемалол ҳаракат қила олади, — дейди Кўприк қурилиш трестининг 13-кўприк куриш отряди бош муҳандиси муовини Қобул Алихўжаев. — Мазкур ўтказгич Тошкент орқали ўтадиган маҳаллий ва хорижий транспорт транспорт воситалари учун шаҳарга кирмасдан, ўз йўналиши бўйича ҳаракатини давом эттириш имконини яратди. Айни пайтда шаҳар ичкарасидаги транспорт ҳаракатини янада тартибга солишга хизмат қилади.

Янги кўприк қурилиши билан боғлиқ равишда Қўйлик, Сирғали йўналиши, Усмон Носир ва Гаваҳ кўчалари бир мунча кенгайтирилди. Жумладан, Сирғали йўналишини кешиб ўтувчи узунлиги 40 метрлик эски темирйўл ўтказгичининг кенлиги даярли икки баробар ортди. «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси кўприк ва йўл чеккаларига чироклар ўрнатди. Айни кунларда Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг қўли гул мутахассислари бу ерда кўкалмасорлаштириш, ирригация-сугорилар тармоқларини йўлга қўйиш ишлари билан банд.

Муҳими, йўлсозу кўприксозлар янги йўл ўтказгич билан чекланиб қолмоқчи эмас. Улар бу кўприк орқали пойтахтнинг йирик ва гавҳим бозорини — Отчопарга кенг йўл очилмоқчи. Ана шунда Тошкент автомобиль халқа йўлида транспорт оқими-нинг ҳаракати янада осонлашадиган. Янги кўприк бир кеча-кундузда 25 минг транспорт воситасига хизмат қилади.

Норали ОЧИЛОВ,  
ЎЗД муҳбири.



## «НУРОНИЙ»ДА НУРОНИЙЛАР

Тўрт йил илгари Юқоричирик тумани ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ҳамда тадбиркорлар ҳамкорлигида кексалар саломатлигини тиклаш, уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида Аҳмад Яссавий номида ширкат хўжалиги хукудидеги сўлим ва баҳаво «Нуроний» санаторийси ташкил этилган эди.

Дастлаб, иссиқ балчиқдан беморлар дардига малҳам сифатида фойдаланилган ушбу масканда бугунги кунга келиб даволашнинг бошқа турлари ҳам ташкил этилди. Хусусан, замонавий тиббий анжомлар келтириб ўрнатилди.

Ҳозирда бу ерда нафақат юқоричирикликлар, балки, вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларидан келган кексалар ҳам даволанаяптилар, ҳордиқ чиқараёптилар.

СУРАТЛАРДА: санаторий ҳаётидан лавҳалар.  
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



# ХИТОЙДА ҲАТТОТЛИК САНЪАТИ

Қадимда Шарқ халқлари орасида санъатнинг энг кенг тарқалган тури бадиий ёзув эди. Ҳаттотлик — тасвирий безаклар билан бирга қўлбасма ёдгорликларнинг бетакдор санъат асарига айланган хизмат қилган. Эрон ва Урта Осиёда ҳаттотлик XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрда гуллаб-яшнаган. Бу эса Ҳиротда Алишер Навоий даврида маданий ҳаётнинг юксалиши билан бевосита боғлиқдир.

Айнан шу пайтда Ҳирот жамияти маданий қатламларида ҳаттотлик санъатига қизиқиш тобора орта бошлади. Уша даврда бу санъатдан хабардор бўлиш билими инсон учун маълум маънода мажбуриятга айланган бўлса, яна шундай бир мамлакат борки, у ерда ҳаттотлик сирлари ёш болаларга бошланғич мактабданок ўргатилади. Бу Хитой давлатидир.

Хитой ҳаттотлиги — жаҳон цивилизацияси тарихидаги гаройиб ва бетакдор ҳодиса бўлиб, Шарқ маданиятининг асл дурдонаси ҳисобланган. Хитойда ҳаттотлик санъати «кабинетнинг 4 та хазинаси» деб аталувчи аниёнавий ёзув анжомлари — мўйқалам, сиёҳ, қозғ ва сиёҳдон воситасида амалга оширилади. Ёзув турлари эса чуқуншу, лишу, қайшу, синшу каби-ларни ўз ичига олади.

Хитой ҳаттотлигида расмий ёзув сифатида лишу танилган. Бу сўз айнан «расмий ёзув» деган маънони аниглайди. Лишу рас-ми ҳужжатлари тезроқ кўчириш эҳтиёжи туғилгандан сўнг пайдо бўлди. Чуқуншу, яъни ёзувнинг «қадимги муҳрлар» усулига нис-батан ана қулай бўлган ҳаттот-лик ёзувининг бу турига верти-кал ва горизонтал чизиқларнинг

ўта перпендикулярлиги хос эди. Шуниси эътиборга молиқки, ай-нан лишу Хитойда таълим ва илм-фаннинг ривожига катта роль ўйнаган.

Хитой ҳаттотлиги аҳолининг кундалик ҳаёти билан узвий бо-ғлиқ. Мамлакатнинг истаган қис-мида даярли хар қадамда ҳаттот-лик намуналарига дуч келиш мум-кин. Ҳаттотлик асарлари турли маросимлар, бино интерьерлари, экскурсиялар ва бошқа соҳалар-нинг ажралмас бўлагига айлан-ган. Кўчалар бўйлаб катта иерог-лифлар ёзилган плакатлар осиб қўйилган. Қўчилар сотувчилар дўконларига қўйилган иероглиф-

### ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни 2005 йил 13 сентябрь кунини соат 12.00 да «Respublika ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади

- Савдога қуйидагилар қўйилади:
1. Янгийўл шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шартин билан умр-бод эғалик қилиш мақсадида яқка тартибда уй-жой куриш учун сотилиши белгиланган, Янгийўл шаҳар, Янгийлик даҳасида жойлаш-ган, хар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 5 та ер майдони.
  2. Паркент тумани ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шартин билан умр-бод эғалик қилиш мақсадида яқка тартибда уй-жой куриш учун сотилиши белгиланган, Паркент тумани, «Гулбоғ» ширкат хўжали-гида жойлашган, хар бирининг сатҳи 0,04 гектардан бўлган 20 та ер майдони.
  3. Хар бирининг бошланғич баҳоси — 78 672 сўм.
  4. Хар бирининг бошланғич баҳоси — 164 384 сўм.

### СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «БЕКАБАДЦЕМЕНТ»

Порядковый номер сообщения — 05

Вид ценных бумаг — простые, привилегированные.  
Тип ценных бумаг — акция.  
Дата принятия решения о начислении дивидендов — 1 августа 2005 года.  
Орган эмитента, принявший решение, — годовое общее собрание акционеров.  
Размер дивидендов по итогам 2004 года на одну акцию составил 1000 сум.  
Общее количество акции — 57069, из них простые — 55985 шт, привилегированные — 1084 шт.  
Форма выплаты начисленных дивидендов — денежные средства.

Порядковый номер сообщения — 08

Обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг — выплата дивидендов по итогам 2004 года по простым и привилегированным акциям.  
Сроки исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг — 1.10.2005 г.

Порядковый номер сообщения — 09

Вид общего собрания — годовое.  
Форма проведения собрания — очное.  
Дата проведения собрания — 1 августа 2005 года.  
Место проведения — г. Бекабад, ул. Истиклол, 20, зал заседаний ОАО «БЕКАБАДЦЕМЕНТ».

Вопросы повестки дня, поставленные на голосование общего собрания:

1. Отчет правления ОАО «БЕКАБАДЦЕМЕНТ» по итогам ра-бот за 2004 год и утверждение бизнес-плана на 2004 год. По результатам голосования общее собрание. Ре-шение. По результатам голосования общее собрание ак-ционеров постановило работу правления за 2004 год при-знать удовлетворительной. Голосование бюллетенями: «за» — 40 голосующих акций, «против» — голосующих акций, «воздержавшихся» — голосующих акций.
2. Отчет наблюдательного совета о проделанной работе. Решение. За утверждение. Отчет наблюдательного совета о проделанной работе «за» — 40 голосующих акций, «про-тив» — голосующих акций, «воздержавшихся» — голосующих акций. По результатам голосования решили утвердить от-чет наблюдательного совета о проделанной работе.
3. Отчет ревизионной комиссии ОАО «БЕКАБАДЦЕМЕНТ» по итогам 2004 года. Решение. За утверждение отчет реви-зионной комиссии бюллетенями проголосовали «за» — 40 голосующих акций, «против» — голосующих акций, «воз-державшихся» — голосующих акций. По результатам го-лосования решили утвердить отчет ревизионной коми-ссии.
4. Утверждение заключения аудиторской проверки по ре-зультатам деятельности общества за 2004 год и утвер-ждение аудитора на 2005 год. Решение. За утвержде-ние заключения аудиторской проверки бюллетенями про-голосовало: «за» — 40 голосующих акций, «против» — голосующих акций, «воздержавшихся» — голосующих акций.
5. Утверждение годовых отчетов и бухгалтерского баланса счетов прибыли убытков за 2004 год. За утверждение годовых отчетов и бухгалтерского баланса бюллетенями проголосовало: «за» — 40 голосующих акций, «против» — голосующих акций, «воздержавшихся» — голосующих акций.
6. Утверждение распределения прибыли и начисление ди-видендов. Решение. За утверждение расчета распреде-ления прибыли и порядка выплаты дивидендов в сумме 57069000 сумов, и утверждение даты выдачи дивиден-дов с 10.2005 года в течение 2-х месяцев бюллетенями проголосовало: «за» — 40 голосующих акций, «проти-в» — голосующих акций, «воздержавшихся» — голосующих ак-ций.

Доно сўз — дунё кезар

КИТОБСИЗ АҚЛ — ҚАНОТСИЗ ҚУШ

Афлотундан сўрадилар: уқиб-ўрганиш тоқайгача иззат ва ҳурматда бўлғуси? У жавоб қилди: жоҳиллик нуқсон деб ҳисоблангунга қадар.

Аваллига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгра ўзимиз улардан ўрганаемиз. Кимки бунни хоҳламас экан ўз давридан орқада қолади.

Қилмиш-қидирмиш ЎРГАНГАН КҮНГИЛ...

Тошкент тумани «Ўзбекистон» ширкат ҳужалигида яшовчи У. Ислом бундан беш йил муқаддам қилган ўғрилиги учун туман жиноий ишлар суди томонидан озодликдан маҳрум этилган эди.

САФАРДА ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Футбол бўйича мамлакат 14-миллий чемпионатида бир ой давом этган тонаффус ниҳоясига етиб, жамоалар иккинчи дара мусобақаларини бошлади.



Улар 14 учрашувдан сўнг 11 очко тўплаб, жадалда сўнгги ўринлардан бирини банд этиб турибдилар.

Кеча бўлиб ўтган иккинчи давранинг биринчи учрашувида «Металлург» Бухорода майдон эгаларига қарши баҳс юритди.

Чемпионатда навбатдаги 15-тур учрашувлари 10-11 августда бўлиб ўтади.

«ЎЛАН АЙТсанг, ЖўШИБ АЙТ...»

Маълумки, миллий маросим ва удулар халқимизнинг тарихий ривожланиши маҳсули ўлароқ вужудга келган. Эътиборлики шундаки, бизда шунчаки ясама уду, маросимнинг ўзи йўқ.



Ўроқ кесиб қўлимни ўн ой ётдим. «Қандайсан», — деб аҳволимни сўрамадинг.

Ангрэн шаҳри Майдон маҳалласидаги 17-хонадонда истикомат қилаётган 90 ёшли Ҳалима ая Абдураимовадан халқимиз озғани ижодиётининг «Ёр-ёр»лар, «Келин салом»лар, «Ўлан»лар, «Дуо»лар, «Айтим»лар намуналарини ёзиб олдик.

Маънавиятимиз сарчашмалари

«ЎЛАН АЙТсанг, ЖўШИБ АЙТ...»

Қиз: Қорабонинг бошидан кўч келади, Қора йўрга серкиллаб бўш келади, Қариндошининг айрилгани беқор экан, Қора қўздан шувиллаб ёш келади.

Шундан кейин

АЙБИНИ ТАН ОЛДИ

«Огайлик снайпер» сифатида танилиб, бинолар ва автомобилларга ўқ забани боис инсон улимизга сабабчи бўлган Чарльз Маккой ўша пайтда нима қилгандиганини билмай бу жиноят қўл урганни айтиб, айбига иқдор бўлди ва ҳимоячидан воз кечди.

УНИНГ УЧУН КОРТЛАР ЁПИҚ



Профессионал теннисчилар ассоциацияси (АТР) раҳбарияти аргентиналик бир спортчига таққилланган диклоразид препаратини истеъмол қилгани учун икки йил майдонларга қиш қўшқудан маҳрум қилди.

МўЙА ДАРОМАД ИЛИНЖИДА

Ватиканнинг қўздан пинҳон ҳаёти ҳақида катталар учун яратилган мультфильми Англия телевидениеси орқали намойиш этиши таққилланган эди.

«ОКА» ПОКИСТОНГА ОТЛАНМОҚДА



Россиянинг Серпухов автомобил заводиди ишлаб чиқарилаётган «Ока» автомобиллари бундан буён ҳақоннинг қўлпа мақлақлари йўлларида пайдо бўлиши айтилмоқда.

«ШАПКА»СИНИ КЕЙИН ТУШУНДИМ

— Шапкаси бор, дейсизми? — ажабланиб сўрадилар ҳеч балога тушунмаган онам.

Буни ҳаёт дейдилар

Онам эса ҳамон ҳайратланиб: — Шапкаси қани? — деб сўрадилар.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ

Шайхонтоҳур туманидаги «Мирзааҳмад ота» хусусий фирмасига берилган 10-140/2003 й. рақамли ишоот кадастри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.

Кўшнимиз Деҳқонбой аканинг ёшлигида бошидан ўтган бир қизиқ кечинимасини эшити турди, ҳаёлимдан турли ўйлар ўтди.

«ШАПКА»СИНИ КЕЙИН ТУШУНДИМ

сам, фақатгина мард одамгина бошига тушган қўрғуликларга умид билан дош бера оларкан.

ШАНБА, 13 «Ўзбекистон» телеграммалари. 6.55 Қўрсатувлар дастури. 7.00 «Ассалом, Ўзбекистон».

ЯКШАНБА, 14 «Ўзбекистон» телеграммалари. 6.55 Қўрсатувлар дастури. 7.00 «Ассалом, Ўзбекистон».

«Ёшлар» телеграммалари. 6.55 Қўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг».

Сообщение о существенном факте ОАО «Toshtemiryo'Ioyuha». Порядковый номер сообщения 10 — изменения в персональном составе должностных лиц.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси газета ходими Зоқир Аҳмедовага онаси МАМЛАКАТХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА. Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ. Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Шлефонлар: Хатлар ва оммавий ишар бўлими: 133-40-48.